


Тазкия дарслари (112-дарс). Қорин ва фарж шаҳвати (биринчи мақола)



13:00 / 28.11.2020 4844

Инсоннинг йўлдан озишига, гуноҳларга гирифтор бўлишига кўпроқ қорин ва фарж шаҳвати кўйига тушиш сабаб бўлади. Бу икки шаҳват унга берилганларни доимо ҳалокатга олиб борган.

Шунинг учун ҳам турли дин, фалсафа, тузум ва мафкураларда ушбу икки шаҳватнинг ёмонлигидан одамларни ҳимоя қилиш борасида уринишлар бўлган. Агар ўша ғайри исломий уринишларга назар солсак, натижалари кўнгилдагидек бўлмаганини кўрамиз. Баъзилари нуқсонга йўл қўйган, баъзилари ҳаддидан ошиб кетган.

Исломда эса бу масала илоҳий таълим асосида мўътадиллик ила йўлга қўйилган. Муслмон уламолар Қуръони Карим оятлари ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари асосида қорин ва фарж шаҳвати ёмонлигидан одамларни ҳимоя қилишнинг энг фойдали услубларига далолат қилганлар. Бу ишда руҳий тарбия устозлари пешқадам бўлганлар.

Қорин шаҳвати ҳалокатга элтувчи нарсаларнинг энг катталаридан бири ҳисобланади. Одам ота ва момо Ҳаввонинг жаннатдан чиқарилишларига ҳам айнан қорин шаҳвати сабаб бўлган. Қорин шаҳвати туфайли молга ўч бўлиш, фарж шаҳвати ва бошқа кўплаб бало-офатлар келиб чиқишини кўпчилик яхши билади.

«Субҳаналлоҳ! Муслмон одам ҳам ҳеч нарса ея олмайдиган бўлиб тўядими?!» деди».

Баъзи бир зоҳидлар оз таом ейиш ва очликка чидашда муболаға даражасига ўтиб кетганлар. Бу эса нотўғри ва мўътадилликдан оғиш даражасига етган ишдир. Таомланишдаги мўътадиллик бир оз иштаҳа қолганда ейишдан тўхташдир. Бунда энг гўзал ҳолат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Таоми учун учдан бир, шароби учун учдан бир ва ҳавоси учун учдан бир», деганларидир.

Мўътадил овқатланиш ила бадан соғ бўлади ва беморликнинг олди олинади. Сурункали кам овқат ейиш қувватни олади. Баъзи қавмлар таомини камайтиравериб, фарз амалларда ҳам нуқсонга йўл қўядиган бўлиб қолганлар. Ўзларича, жоҳилликлари туфайли буни фазилат деб ўйлаганлар. Аслида ундай эмас. Улуғларимиздан ким очликни мадҳ қилган бўлса, албатта, ўртача бўлишни кўзда тутган. Ўта тўйиб юришга одатланиб қолган кишиларнинг қорин шаҳватини синдириш бўйича риёзатлари қуйидагича бўлади: у одам вақт ўтиши билан оз-оздан таомини камайтириб боради. Аввал айтиб ўтилган мўътадиллик ҳолатига етганда тўхтайди.

Зотан, ишларнинг яхшиси ўртачасидир. Бинобарин, ибодатдан ман қилмайдиган ва қувватнинг боқий қолишига сабаб бўладиган даражада таом емоқ энг тўғри йўлдир.

Овқатланувчи очликни ҳам, тўйганликни ҳам сезмайдиган бўлсин. Ана ўшанда бадан соғ, ҳиммат жам ва фикр соғ бўлади. Кўп овқатланиш уйқуни кўпайтиради, зеҳни паст қилади ҳамда бошқа хасталикларга сабаб бўлади.

Шаҳватлардан баъзисини тарк қилаётган шахс риёкорликдан ҳазир бўлсин. Ўтган азизлардан баъзилари иштаҳаси тортган нарсани сотиб олиб, уйига илиб қўяр, ўзи унга тегмас ва шу иши ила зоҳидлигини беркитар эди. Мана шуни зоҳидлик дейдилар. Ўзи ичида зоҳидлик қилади. Аммо сиртда аксини кўрсатади. Бу сиддиқларнинг ишидир. Чунки у ўз нафсига сабр аччиғини икки марта ичиради. Иккинчиси аччиқроқ бўлади.

(Давоми бор)

«Руҳий тарбия» китобидан